

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 159 (11.220)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ Бир Кўни Янгиликлар, воқеалар

2008 – Ёшлар
йили

Касба сатрларда

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЁШ
ИСТЕЪДОДЛАР УЧУН
ТАЪСИС ЭТИЛГАН
"НИҲОЛ" МУКОФОТИ
ТАНЛОВИНИНГ
ТАШКИЛИЙ
ЖАРАЁНЛАРИ НИЗОМГА
МУВОФИҚ ЭСТРАДА
САНЪАТИ, МУСИҚА
ИЖРОЧИЛИГИ, МУМТОЗ
КЎШИК, ОПЕРА
ИЖРОЧИЛИГИ ВА РАҚС
САНЪАТИ
ЙЎНАЛИШЛАРИДА УЧ
БОСҚИЧДА ЎТКАЗИЛДИ.**



"НИҲОЛ" МУКОФОТИНИНГ ЯНГИ ЛАУРЕАТЛАРИ

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган ушбу кўрик-танлов мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларини қамраб олди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг барча туман, шаҳарларида бўлиб ўтган биринчи босқичда 8122 нафар иштирокчи ўз кучини синаб кўрди. Танлов кенг жамоатчилик ва томошабинлар иштирокида ўтди. Катнашчиларнинг иқтидори муносиб баҳоланди ҳамда улар турли ўринлар ва мукофотларга сазовор бўлишди. Оммавий ахборот воситаларида номзодлар, уларнинг фаолияти ва ижоди доимий ёритиб борилади.

Иккинчи — вилоятлар босқичида 881 нафар иштирокчи беллашди ҳамда улар орасидан 89 нафар номзод республика босқичига йўлланма олди.

Якуний — республика босқичи кескин ижодий беллашувлар асосида ўтди. Унда ҳар бир вилоятдан 2 нафардан, Тошкент шаҳридан 4 нафар, жами 30 нафар ёш ижрочи "Нихол" мукофотига номзод сифатида иштирок этди.

Шу муносабат билан 15 август куни "Истиклол" саройида 15 нафар совриндорга "Нихол" мукофоти тантанали равишда топширилди ва лауреатлар иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда миллий санъатимиз ва маданиятимизни янада ривожлантириш, халқимиз маънавиятини юксалтиришдек эзгу ишларда навиқрон иқтидор соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни янги, яна-

да юксак ижодий чўққилар сари рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Усиб келаятган ёш авлоднинг истеъдодлини ҳар томонлама қамол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон муносиб санъатининг юксак намуналаридан баҳраманд бўлиши учун зарур барча шароитларни яратиб, истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш, маданият, санъат, таълим, илм-фан, спорт каби соҳаларда тенгдошларига ибрат бўлаётган ёшларга меҳр ва эътибор кўрсатиш давлатимиз сийбосининг муҳим йўналишига айланган. Юртимизда ўтказилаётган турли кўрик-танловлар, санъат анжуманлари, фан олимпиадалари, кўргазмалар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган қўллаб-қўллаб ижодий лойиҳалар айни шу мақсадга хизмат қилмоқда. Бундай эзгу ишлар кўлами Ёшлар йилида тобора кенгаймоқда.

Чорлов мусиқаси янграб, саҳнага "Нихол" мукофотининг 2008 йилдаги совриндорлари кириб келадилар. Юртобшомиз ташаббуси билан таъсис этилган мазкур мукофот ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларга ҳар томонлама мадад бўлиш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этишда зўр қанот бўлмоқда. Ушбу мукофот учун ўтказилаётган танловда иштирок этаётган йигит-қизлар сафининг йил сайини кенгайиб бораётгани "Нихол"нинг нуфузи тобора ортаётганидан далолатдир. Ўзбекистон Ўсмирлар симфоник оркестри жамоаси, Азиз Шоҳақимов, Муҳаббат Қиличева, Женисбек Пиязов, Элеонора Котлибулатова, Абдумалик Абдуқаюмов

каби "Нихол" мукофоти соҳиблари республика ва халқаро кўрик-танловлар, мусиқа анжуманлари, фестиваллар ва концертларда муваффақиятли иштирок этаётгани қувонарлидир.

Бу йил мазкур мукофотга мусиқа санъатининг турли йўналишлари ва хореография бўйича Гулмирахон Абдулаҳатова, Илбос Арабов, Шавкат Эргашев, Азамат Муҳаммаджонов, Бехзод Абдураимов, Бунёд Саидов, Саида Саидбекова, Сирожиддин Файзиев, Муҳаббат Меҳмононова, Раъно Авазова, Саъдулла Бадалов, Ойбек Алимов ва Нигора Исмоилова, Дилноза Шерматова, Рашид Хўжасов, Зиёда Қобилова лойиҳа топилди. Маросимда "Нихол"нинг янги совриндорларига ушбу мукофотлар тантанали тарзда топширилди.

Иқтидорли ёшлар давлатимиз ва жамятимиз эътиборида, эъзозидан эканини ҳар қадамда, ўқишимиз, ижодий изланишларимиз жараёнида ҳис этиб яшаймиз, — дейди "Нихол" мукофоти соҳиблари, қорақалпоғистонлик ёш хонанда Рашид Хўжасов. — Ўз навбатида Ватанимиз, халқимиз билдирган бундай юксак ишончга муносиб бўлишни, уни ўзимизнинг самарали изланишларимиз, ижодимиз, фаоллигимиз билан оқлашга астойдил интиламиз.

Маросимда "Нихол" мукофоти соҳиблари, санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов сўзга чиқди.
**Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири**

● **МАКТАБ** ўқувчиларининг ёзги таътили сермазmun ўтишини таъминлаш мақсадида Республика Халқ таълими вазирлиги, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси ҳомийликларида мамлакатимизнинг бир гуруҳ 14-15 ёшли ўсмир ёшлари Тошкентдан Россиянинг Москва, Санкт-Петербург шаҳарларига саёҳат қилиш учун жўнаб кетишди.

● **УЧТЕПА** туманидаги 116-мактабда воғга етмаган ёшлар, педагоглар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари иштирокида Ёшлар йилига бағишлаб уюштирилган семинар тренинг «Ҳар бир фарзандга, меҳр-эътибор» деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси ташаббуси билан Россиялик шу соҳа мутахассислари ҳамкорлигида «Тошкент — Санкт-Петербург» йўналишида тезорар поезд қатнови йўлга қўйилаётган бўлди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академияси қoшидаги Генетика ва ўсимликлар тажрибавий биологияси илмий-тадқиқот институтида олимлар иштирокида ўтказилган тадбирда институт олимлари ташаббуси билан соя ўсимлигининг янги нави яратилганлиги ва бу нави «Генетик-1» деб номланганлиги эълон қилинди.

● **БУГУН** Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ва «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорликларида «Машинасозлар» маҳалласининг 8-12 ёшли болалари иштирокида теннис бўйича уюштирилган мусобақалар Ёшлар йилига бағишланди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги Фафур Фулом номли маданият уйида сартарошлик курси қатнашчилари иштирокида «Очик дарс» тадбири ўтказилди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги 122-мактабда туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ҳамкорлигида ёшлар орасида маънавий-маърифий, тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг қалбига ватанпарварлик туйғусини янада такомиллаштириш, йўлдан адашган, ИИББ профилактика хисобида турувчи воғга етмаган ёшларга тўри йўл кўрсатиш мақсадида семинар-тренинг машғулотлари ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси** Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида Инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

● **Тошкент вилояти** ўрта махсус, касб-хўнара таълими бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўрта махсус, касб-хўнара таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни қўчайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг ижросига бағишланган семинар ўтказилди.

● **Жорий йилнинг** август ойида «Зарубеженефтьга»нинг шўъба корхонаси ҳисобланган «Газпром» акциядорлик жамияти Устюрт ҳудудида янги қидирув кудугини қазини бошлади. Бу жамият томонидан кейинги икки йил мобайнида газ захираларини аниқлаш борасида қазилаётган саккизинчи кудуқдир.

● **Алишер Навоий** номидаги санъат саройида «Ўзбекино» миллий агентлиги ва Туркменистоннинг Республикаимиздаги элчихонаси ташаббуси билан Туркменистон киноси ҳафталиги бошланди.

● **Ёшлар йили** Давлат дастурида белгиланган вазибаларни бажариш мақсадида таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши билан ҳамкорликда «Намунали талабалар турар жойи» кўрик-танловини ташкил қилди.

● **Гулистон шаҳридаги** «Ҳабиб бизнес гуруҳ» Ўзбекистон-Саудия Арабистони қўшма корхонаси дастлабки шифер маҳсулотини миқозларга етказиб берди. Бу ерда кунига 1,5 минг донагача ана шундай қурилиш маҳсулотлари тайёрланмоқда. Айни кунда бу ерда 20 нафар ишчи ва мутахассис муқим иш билан таъминланди.

● **Кегейли туманида** ўрмонларни ёнгиндан сақлаш маъзусида кўргазмали семинар-кенгаш ўтказилди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари, олим ва мутахассислар, ўрмон хўжаликларни раҳбарлари қатнашди.

● **Ёшлар йили** Давлат дастурига асосан Навоий шаҳрида «Ўзбекистон аёллари ва ёшлари — гивандликка қарши» шиори остида «Соғлом оила» оилавий спорт мусобақасининг республика финал босқичи ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● **Хитойнинг** Шанхай шаҳрида таржимонларнинг XVII Бутунжаҳон конгресси бўлиб ўтди. Унда таржима соҳасидаги мингга яқин мутахассислар ва 70дан ортиқ мамлакатлардан олимлар, шунингдек, БМТ вакиллари иштирок этди. Конгресс «Таржима ва маданиятларнинг хилма-хиллиги» шиори остида уюштирилди.

● **Эронда** «Бушер» атом электр станциясини жорий йилнинг охирига қадар ишга тушириш режалаштирилмоқда.

● **Венесуэла** Хитой ёрдамида шу йилнинг кузида ўзининг дастлабки телекоммуникация сунъий йўлдошини коинотга чиқаришга ҳаракат қилмоқда.

● **Кеча** Кубанин жанубий соҳилларида ҳуруж қилиб 35 минг кишининг ҳафсиз жойларга қўчирилишига сабабчи бўлган «Фей» тропик бўрони соатида 80 километр тезликда АКШнинг Флорида штатида яқинлашиб келмоқда. Шу муносабат билан штатда факулудда ҳолат эълон қилиниб, сайёҳлар эвакуация қилинмоқда.

● **Ҳиндистоннинг** Мумбай шаҳрида турар жой биносининг кулаши оқибатида 20дан зиёд киши ҳалок бўлди ва 30 га яқин киши жароҳатланди. Мамлакат кутқарув хизмати вакиллари авария ҳолатида бўлган ушбу бинонинг кулашига бир неча кундан бери давом этаётган кучли ёнгарчилик сабаб бўлган дея таъкидлашмоқда.

● **Кеча** Боқудаги Абу Бакр масжидида ибодат пайтида номаълум кишининг деразадан граната улоқтириши натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмди, 80 киши яраланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари ушбу ҳодисани террорчилик ҳаракати ёки шахсий қасос сифатида баҳоламоқдалар.

● **Франциянинг** «Рено» автоконцерни банкротга учрамаслик мақсадида қатъий тежамкорлик режасини жорий этишини билдирди. Унга кўра 5 мингта иш ўринлари қисқаради ҳамда бир қанча ишлаб чиқаришлар янгидан тузилади.

● **Кеча** Эрон ўзининг «Сахир» номли ракета элтувчисини коинотга парвоз қилдириди. У сунъий йўлдош макетини космосга олиб чиқди.

● **Германияда** тез орада ичида ўйинчоқлар жойланган шоколад тухумлар дўкон пештахталаридан йўқолиши мумкин. Зеро, Бундестагнинг болалар ҳуқуқлари бўйича комиссияси уларни сотишни тақиқлашни тавсия этди. Комиссия аъзоларининг фикрига кўра болалар нимани ейиш мумкин ёки йўқлигининг фарқида бормасликлари сабабли шундай йўл тўтилмоқда.

● **TG Daily** газетаси тарқатган маълумотларига кўра, АКШнинг Texas Memory Systems компанияси Siggraph кўргазмасида ўзининг янги 64-терабайтлик флэш-хотирасини тақдим этди. Ушбу флэш-хотира сониясига 800 мингта операция бажара олиш хусусиятига эга. У секундига 12 гигабайтлик маълумотни хотирасига ўтказиши мумкин. Бунга фақат 2,5 киловат электр токи бўлса kifoya. Texas Memory Systems компанияси мутахассисларининг таъкидлашларига, ҳар бир RamSan-500 ни тизимдан ажратиш ва яна қайта улаш учун 10-15 дақиқа кетар экан.

17 МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛ



ИЛГАРИ ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК, ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ АРАФИДА БУТУН РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ КАБИ ШАҲРИМИЗДА ҲАМ 16-17 АВГУСТ КУНЛАРИ УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ КЎТАРИНКИ РУҲДА ВА УЮШҚОҚЛИК БИЛАН БЎЛИШ ЎТДИ.

Ҳашар — элга ярашар

ЯНАДА ОБОД БЎЛ, АЗИМ ТОШКЕНТИМ!

Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, аждоғларимиздан қолган беқиёс миллий кадриятларимиз, эзгу аъёна, урф-одат, одамийлик, меҳр-оқибат каби асл инсоний фазилатлар тимсоли бўлган хайрия ҳашарида шу юрт тақдирига бефарқ бўлмаган, юрагида меҳру муҳаббатни кучли бўлган каттаю кичик қалб даъвати билан иштирок этди. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳам-шаҳарларимизнинг катта сай-ҳаракатлари билан шу кун кенг ва раvon кўчалар, муаззам бинолар, корхона, ташкилотлар ҳудудлари тозаланди, саранжом-сарийта қилинди, дарахтларга шакл берилиб, окланди, турфа гуллар шахримиз кўчаларини безади. Ободонлаштириш, кўкаламзор-

лаштириш ва бунёдкорлик юмушларидан бутун атраф гўёки яна-наб кетди. — Шаҳримиздаги 474 та маҳалладан икки кун мобайнида умумхалқ ҳашарида 1 миллион 300 нафардан ортиқ аҳоли иштирок этди, уларнинг 897 мингига ёшлар ташкил қилди, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бошқаруви раиси Жамолиддин Шоҳақимов. — Ҳашарчиларнинг бир-бирларини ўзаро қўллаб-қувватлаб, катталар ёшларга бош бўлиб, қўлла-қўллаб қилинган сай-ҳаракатлар натижаси ҳам ибратли бўлди. Яъни ҳашарчилар ҳиммати билан шахримизнинг 3260 гектар ер майдони ободонлаштирилди,

4.397 тонна йиғилган маиший ва қурилиш чиқиндилари 1095 та техникалар ёрдамида олиб чиқиб ташланди. 67 та қабристон ва зйёратгоҳлар тозаланиб, ободонлаштирилди. 302600 дан ортиқ дарахтларга шакл берилиб окланди. Биз икки кун мобайнида шахримиз маҳаллаларини айланар эканмиз, Сергели тумани аҳолисининг бир тан-бир жон бўлиб корхона, ташкилотлар, касб-хўнара коллежлари, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари атрофлари, катта йўл ва йўлакларини ораста холга келтираётганлари, дарахт ва гулларга шакл бериб оқлаётганлари, қуриганларини олиб ташлаб, тўпланган чиқиндиларини техника воситалари-

да йиғиб олиб кетаётганлари, таъмирга муҳтож уйлارни қўллашчи тузатиб беришга ҳисса қўшаётганларини кўрдик. Айниқса, тумандаги «Иттифок», «Янги ҳаёт», Бектемир туманидаги «Роҳат», Мирободдаги «Афросиёб», «Авлоний», Мирзо Улуғбекдаги «Сайрам», «Туркистон», Собир Раҳимов туманидаги «Беруний», «Обод», Ҳамзадаги «Донишманд», Учтепадаги «Ватанпарвар», «Бекобод», «Уриқзор», Чилонзордаги «Нақшошлик», «Шарқ тонги», Шайхонтоҳурдаги «Илғор», «Чорсу» каби бир қатор маҳаллаларда амалга оширилган катта ҳажмдаги орасталаш, ободонлаштириш ишларидан кўнгли тоғдек кўтарилди. (Давоми 2-бетда).



17 йил МУСТАҚИЛЛИК

ЯНАДА ОБОД БЎЛ, АЗИМ ТОШКЕНТИМ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ҳашар кунлари фақат тозалик, саранжом- саришталик ишлари эмас, балки халқимизга хос бўлган бир-бировни йўқлаш, меҳроқибат кўрсатиш, кийналган оилаларга беминнат кўмак бериш каби инсоний фазилатлар ҳам буй кўрсатиб каттадан- катта кўнгилларни қувонгача тўлдирди, — дейди сўхбатга қўшилган «Маҳалла-жамғармасининг» Тошкент шаҳар бошқаруви бош мутахассиси Ҳайдарали Қораболаев. — Икки кун мобайнида ноғирон, кўмакка муҳтож, боқувчисини йўқотган 504 нафар оилага 10 миллион 830 минг сўмлик моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди. 16.339 квадрат метр уй- жойлари таъмирланган ораста ҳолга келтирилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 августдаги фармойишига мувофиқ жорий йилнинг август ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва озодлик ойлиги деб эълон қилинган. Шу муносабат билан «Маҳалла» жамғармаси томонидан шу кунгача кўрсатилган бундай мурувват ёрдамлари 20 миллион сўмдан ортиқ миқдорни ташкил этди. Биз уруш ва меҳнат фахрийлари, кексаларнинг ҳолидан вақтида хабар олишга, улар тажрибаси, панд-насихатларидан ёшларни хабардор қилишга интилиб келмоқдамиз. Токи ўсмир ёшлар она-Ватан қадрини, Мустақилликдек улғунъматни асраб-авайлаш лозимлигини тушуниб етсинлар.

— Маҳалламиз аҳли бир ёқадан бош чиқариб ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, озодлик ишларини бошлаб юборишди, — дейди Собир Раҳимов туманидаги «Гузарбоши» маҳалласи оқсоқоли Турсунқўжа Эргашев. — Кўча, йўлаклар, хиёбонлар супуриб-сидирлиб, чиқиндилардан тозаланиб, дарактларга шакл берилиб оқланди, гулларнинг таги юмшатилди. Худудимиздаги 11-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари билан биргаликда «Бунёдкор авлод» боғимизнинг янада чиройли ва обод бўлиши йўлида янги ўрин-

диклар, бежирим жиҳозлар билан тўлдирдик. Бугун ушбу ёғда катталар учун ҳам, кичинтой болажонларнинг ҳам олишлари учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилган.

— Туманимиз аҳли тобора яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрамининг 17 йиллигини кўтаринки руҳда кутиб олмақда, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг Яқкасарой туман бўлими раиси Саидлатиф Саидазизов. — Икки кун мобайнида бўлиб ўтган ҳашарда 28,5 мингдан ортиқ туманимиз аҳолисининг кўлини кўлга бериб, озодлик, ободонлаштириш ишларида бажонидил иштирок этгани фикримиз далилидир. Кўпчилигининг сай-ҳаракати билан ҳашар кунлари худудимиздаги 22 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланди, 3200 дан ортиқ дарактларга шакл берилиб оқланди. Кўча, хиёбонлар, кабрстон ва зиёратхоналар тартибга келтирилиб саранжом-саришталар қилинди.

— Қариси бор уйнинг, париси бор, деб бежизга айтилмаган, — дейди ҳашар ишларига озми-кўпми ўз ҳиссаларини қўшишга бел болаган бир гуруҳ фахрийлар ёнида бўлган Тошкент шаҳар «Нуроний» жамғармаси раиси Мухаммадқон Зуфаров. — Биз фахрийлар Юнусобод туманидаги «Минор» кабрстонида ҳашар ишларини бошлаб кўрсатишди, — дейди «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими кенгаши матбуот хизмати ходими Нарғиз Азаматова. — «Камолот» етакчи ва сардорлари ёшларимизга бош-қош бўлиб шахримиздаги 11 та туман камолотчилари билан ўз худудларидан ташқари Керамика боғи, Абдулла Кодирий, Бунёдкор каби асосий катта кўчалар, Учтепа маданият ва истироҳат боғи, анҳор бўйлари, Ислон университети, шунингдек Қўйлик ота, Хонобод каби кабрстонлар, «Минор», «Матонат», Бобур, «Азамат», «Юзробо» каби бир қатор маҳаллаларда катта ҳажмидаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар. Бутун теварак-атроф йўллари чинидек қилиб тозалаб йиғилган чиқиндиларни транспортлар ёрдами-


га олиб чиқиб ташладилар. Бундан ташқари камолотчи ёшлар фақат тозалик юмушлари билан чекланиб қолмасдан маҳаллаларда истироҳат қилувчи кекса, ҳеч кими йўқ, ёрдамга муҳтож инсонларнинг уйларига бориб яқиндан ёрдам кўрсатдилар. Уларнинг ҳовли, уй ва кўчаларини тозалаб, тартибга келтирдилар.

— Ҳашар-халқимизга ярашар, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг Миробод туман бўлими раис ўринбосари Абдуқодир Нурбоев. — Ушбу нақлнинг бутун буй-басти икки кун мобайнида бўлиб ўтган ҳашар кунлари кўринди. Негаки бизнинг халқимиздагина хос бўлган меҳроқибат, хайру саҳоват каби инсоний фазилатлардан шу кунга бариқ ёрдамга муҳтож диллар баҳра олди. Эзгулик ҳар бир хондон ашигини қокди. Туманимиз мисолида оладиган бўлсақ ҳашар кунлари эл қақиригига лаббай деб жавоб берган халқимиз Мустақиллик байрамини муносабат қилиб олиш, тўйга муносабат тўёна билан бориш учун белни маҳкам боғлаб ишга чиқдилар. Кўча, ҳовли, хиёбон ва гузарлар, ариқ ва зовурлар чиқиндилардан тозаланди, кексалар йўқланди, уй-жойларининг таъмирланишига кўмак берилди.

Яна шуни алоҳида ташкирлаб ўтиш жоизки, ҳашар кунлари қорхона ва ташкилотларда хизматда бўлган ишчи ва ходимларнинг бир кунлик иш ҳақлари ихтиёрий равишда шахар «Маҳалла» жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилди. Ушбу тушган маблағлар маҳаллалар инфратузилмасини янада ободонлаштириш, обод қилиш, ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, Меҳрибонлик, «Саҳоват» ва «Мурувват» уйларига моддий ва маънавий кўмак беришга сарф этилади.

Ободлик кўнгилдан бошланади. Шу юрда вояга етаётган ҳар биримизнинг туғилиб ўсган она Ватанимизга меҳру муҳаббатимизни амалда кўрсатиб унинг ободлиги гуллаб-яшнашига ҳисса қўшмоғимиз ҳам қарз, ҳам фарздор. Тинчлик, тенглик айёмини муносабат қилиб олишга пешвоз чиқайлик, азиз ҳамшаҳарлар!

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: 16-17 август кунлари бўлиб ўтган хайрия ҳашаридан лавҳалар.
Ҳақимжон Солиқов олган суратлар



АБДУЛЛА ТАНГРИЕВ — КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ДЭЮДОЧИСИ АБДУЛЛА ТАНГРИЕВ XXIX ЭЗГИ ОЛИМПИАДА УЙИНЛАРИНИНГ КУМУШ МЕДАЛИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.

Мустақиллик спортчиларимиз учун ҳам улкан имкониятлар ашигини очди. Бундан унумли фойдаланган спортчиларимиз жаҳон майдонларида юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

Дунё спортчилари Пекингга йўлланма олиш учун Олимпиада тарихидаги энг мураккаб саралаш босқичидан ўтишига тўғри келганини таъкидлаш лозим. Халқаро Олимпия кўмитаси томонидан олимпия лицензияларини берадиган меъёрий кўрсаткичлар сезиларли даражада оширилди. Ҳамюртларимиз «Пекин-2008» мусобақалари дастурига киритилган юнон-рум ва эркин кураш, бокс, дзюдо, оғир атлетика, ўқ отиш, спорт гимнастикаси, байдарка ва канозда эшак эшиш, енгил атлетика ва теннис каби ўттиздан зиёд спорт туридан ўн бештаси бўйича беллашувларда қатнашмоқда.

XXIX Олимпиада ўйинларида Ўзбекистоннинг биринчи медалини ҳам дзюдо устаси Ришод Собиров қўлга киритди.

Спортдаги фаолияти давомида жаҳон чемпиони совриндори ва қитъа чемпиони бўлган А.Тангриев XXIX Олимпиада ўйинларида дастлаб германиялик жаҳон кубоғи соҳибни Андрей Толээр устидан ғалабага эришди.

Иккинчи учрашувда ҳамюртимизга польшалик Януш Войнарвич рубару қелди. Қўшимча вақтда давом этган мазкур баҳсда А.Тангриев чиройли усул ишлатиб, 169 килограмм вазнга эга рақибини гиламга қулатди.

Навбатдаги баҳсда Абдулла Тангриев Франциялик жаҳон чемпиони Тедди Ринер устидан зафар қучди. Аммо, финалда япониялик Сатоши Ишиининг қўли баланд қелди.

XXIX Олимпиада ўйинларида муваффақиятими энг улғун, энг азиз байрамимиз — Мустақилликимизнинг 17 йиллигига бағишлайман, — деди А.Тангриев. — Халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш, Ватанимиз обрў-эътиборини ошириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ, Ўза махсус муҳбири. Пекин

Фармон ва ижро

ЁШ АВЛОД ҲУҚУҚЛАРИ — ҲИМОЯДА

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН 2008 ЙИЛ 1 МАЙДА ИМЗОЛАНГАН «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИгининг 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ Тўғрисида» ГИ ФАРМОНининг ИЖРОСИ ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛГАН «ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚИ» МАВЗУИДАГИ СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ЯКУНЛАНДИ.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат телерадиокомпаниялар телетармоғи ҳамда ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинар-тренингда ахборот агентликлари, босма ва интернет нашрлари, нодавлат телерадиокомпаниялар журналистлари иштирок этди.

Юртбошимиз ташаббуси билан юртимизда инсон ҳуқуқларининг узвий ва ажралмас қисми бўлган болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» ГИ, «Таълим тўғрисида» ГИ қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури, «Ёшлар йили» Давлат дастури каби ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши орқали юртимизда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини барча чоралар билан ҳимоя қилиш, фарзандларнинг ҳар томонлама камол топиши учун зарур шароитлар яратилди.

Жамиятимизда ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш борасида амалга оширилайётган ишларни тезкор ва холис ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Тўрт кун давом этган семинар-тренингда болалар ҳуқуқлари борасида халқаро ва миллий қонунчилик, бу мавзунинг ёритишда ўзига хос ёндошув, ахборот манбаларидан самарали фойдаланишга оид маърузалар тингланди. Мавзуга оид ўзаро фикр ва тажриба алмашилди. Иштирокчилар пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилган марказлар, бу борада жамоатчилик асосида иш юритаятган муассасалар фаолияти билан атрофлича танишдилар. Мавзуга оид телекўрсатувлар, лавҳалар, репортажлар, радиоэшиттиришлар, мақолалар тайёрландилар.

Уза муҳбири Бехзод НОРБОВЕВ сўхбатлашди

ЭЛ-ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШУ ЙИЛ 12 ИЮНДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕПТИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ Тўғрисида» ГИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ ШУ КУНЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ХУДУДЛАРИДА «МУСТАҚИЛЛИК — БИЗНИНГ БОРЛИГИМИЗ, ШОНУ ШУҲРАТИМИЗ, ЭРКИН ВА ФАРОВОН КЕЛАЖАГИМИЗ ГАРОВИДИР» ДЕГАН ЭЗГУ ГОЯНИ ЎЗИДА МУЖАССАМ ЭТГАН ТУРЛИ МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ ТАДБИРЛАР — ДАВРА СЎХБАТЛАРИ, МАДАНИЙ ВА САҲНАТ АРБОБЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ ҲАМДА МУЛОҚОТЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА. УШБУ ҚУТЛУГ САНАНИ МУНОСИБ НИШОНЛАШ УЧУН ҲАР ТОМОНЛАМА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал майор Абдулла ҚУЛДОШЕВ истиқлол байрами арафасида эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилайётган ишлар ҳусусида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — Уза муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимизга муносабат турмуш шароити яратиб йўлида амалга оширилайётган кенг қўламли ислохотлар ўз самараларини бермоқда, — дейди А.Қўлдошев. — Бу мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий юксалиши, халқимиз фаровонлигининг янада ошиши, юртимиздаги тинчлик ва осойишталиқнинг мустаҳкамланишида муҳим омил бўлаётди. Мустақилликка эришилгандан сўнг мамлакатимизда улкан ўзгаришлар юз берди. Тинчлик ва барқарорликни сақлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида бетимсол ишлар амалга оширилмоқда. Биз ўз кадр-қимматимиз, миллий давлатчилигимиз, тилимиз ва динимизни, миллий қадриятларимизни тиклаб, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносабат обрў-эътибор қозонишга эришдик. Шу босис, энг улғун, энг азиз байрамимиз — мустақиллик кўни шодифоналарининг мамлакатимиз бўйлаб тинч, осойишта ва юксак савияда ўтишини таъминлаш ички ишлар идоралари хо-

димлари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Вазирлигимизда бу борадаги чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, изчил татбиқ этилмоқда.

Мамлакатимиз пойтахтида, вилоятлар ва туманлар марказларида, маҳаллаларда, қишлоқ ва овулларда, байрам тантаналари ўтадиган барча жойларда жамоат тартибини сақлаш, фавқулодда ҳодаларнинг олдини олиш, аҳолининг тинчлигини, йўл-транспорт ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ўзини-ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда бир қатор ишлар олиб боришмоқда.

Осойишталик, ҳамжихатлик, аввало, оила ва маҳалладан бошланади. Шундан келиб чиққан ҳолда юртимиздаги барча маҳалла, қишлоқ ва овулларда ички ишлар идоралари ходимлари, профилактика инспекторлари, маҳалла фаоллари ва оқсоқоллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, таълим-тарбия соҳалари вакиллари иштирокида аҳолини огоҳлик ва ҳушёрликка қақирувчи учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказилаётди. Бундай тадбирларда истиқлолнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилайётган улкан бунёдкорлик ишлари, маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришлар бераётган юксак самараларга алоҳида эътибор

қаратилмоқда. Истиқлолнинг, бу дорилоним қонларнинг қадрига етиш, ёш авлоднинг она Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳар бир юртдошимизнинг муқаддас вазифасидир. Зотан, энг катта бойлигимиз — тинчликни мустаҳкамлаш, осуда ҳаётимиз учун қайғуриш нафақат ҳуқуқ-тартибиди идоралари ходимларининг, балки ҳар бир фуқаронинг муҳим вазифаси ва бурчидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинган жорий йилда мамлакатимизда амалга оширилайётган кенг қамровли ишлар фуқаролар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш, ёш авлодни Ватанга, миллий истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялаш ва камол топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Фарзанд дунёга келиши билан оилада, ўқув даргоҳларида унинг қалбига эзгулик гоёларини сингдириш, миллий тафаккур ва соғлом дунёқарашни шакллантиришга киришилади. Эзгу мақсадларимизга йўналтирилган бундай ишларнинг яна бир ўзига хос жиҳати — ёш авлодга мумкамал таълим бериш билан бирга Ватан тақдирини, унинг бугуни ва келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган авлодни тарбиялашдан иборат. Зотан, ёшларнинг пухта билим олиши учун юрт тинчлиги ва осойишталиги муҳим аҳамиятга эга.

Ёшларни турли зарарли оқимлар таъсиридан, шунингдек, гиёҳвандлик, ОИТС каби иллатлардан асрашга, азалий қадриятларимиз руҳида тарбиялашга қаратилган ишларни янада тақомиллаштириш борасида кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилаётди. Хусусан, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, миллий анъана ва қадриятларимизга ёт гоёлар таъсиридан асраш, наркотик моддаларни истеъмол қилиш, сақлаш ва тарқатиш, терроризм ва диний экстремизмнинг оғир оқибатлари тўғрисида кенгроқ тушунча бериш мақсадида ҳужуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, мутахассислар билан ҳамкорликда мунтазам учрашувлар, очик мулоқотлар ўтказилиши ўз самараларини бермоқда.

Бу борада профилактика хизмати фаолияти тақомиллашгани, маҳаллаларда фаолият юритаётган профилактика инспекторларининг ўзини-ўзи бошқариш тизими вакиллари билан ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланаятгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда маҳаллаларнинг аҳамияти катта. Шу боис Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти профилактика хизматини янада самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Айни пайтда юртимиздаги 3500 дан ортиқ милиция таянч пунктларида хизмат қилаётган профилактика инспекторлари ички ишлар идораларининг бошқа тармоқлари хизматлари, маҳаллалар оқсоқоллари, «Маҳалла побобилари», диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан яқин ҳамкорликда, кенг жамоатчилик ёрдамига таянган ҳолда амалга оширилайётган ишлар самарали бўлмоқда.

Бундай хайрли ишлар истиқлолимизнинг 17 йиллиги тантаналари тинч-осойишта, катта қувончу шодифоналар билан ўтишининг муҳим омилларидандир. Мамлакатимизда улғун бай-

рамни кўтаринки руҳда нишонлашга тайёргарлик ишлари қизғин бораётган бир пайтда намунали жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигига эътиборни янада кучайтириш, фавқулодда ҳодаларга йўл қўймаслик борасида амалга оширилайётган ишлардан қўзланган мақсад — энг улғун, энг азиз байрамимиз шодифоналари барча юртдошларимизнинг хондонларидан, маҳаллаларда, қишлоқларда, шаҳарларимиз кўча ва майдонларида тинч-осойишта ўтишини таъминлашдир.

Бугун юртимиз шаҳар ва қишлоқлари кўчаларида, майдонларида, боғу роғларида сайр қилиб юрган болажонларни, ёш қариларни, улардаги хотиржамлик ва кўтаринки қайфиятини кўриб қўз қувонади, дил ярайди. Зотан, осойишта умр деганда, энг аввало, одамлар бир-бирлари билан аҳил, иноқ яшаб, яхши кунларини бирга, баҳамжихат ўтказиши тушунилади. Албатта, осойишталик бор жойда тўй-тантана, қувончу маросимлар бўлади, шоду-хуррамлик ҳуқи суради.

Юрт тинчлиги — улғун неъмат, барқарор тараққиёт гаровидир. Халқимиз тинчликни юксак қадрайди, уни ўз орзу-интилишлари, эзгу ниятлари рўёбга чиқилишининг муҳим кафолати, деб билади. Зотан, тинчлик ва барқарорлик бўлган мамлакатдагина илм-фан, маданият юксак тараққий этиши, бунёдкорлик ишлари ривож топиши, юрт гуллаб-яшнаши мумкин. Бу олжаноб мақсад нанки ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди, айни чоғда ҳар бир юртдошимиздан ҳушёр ва огоҳ, фаол ва ҳамжихат бўлишни талаб қилади.

Шу босис, истиқлолимизнинг 17 йиллиги тантаналари юртимизнинг барча гўшаларида тинч-осойишта, юксак кўтаринки руҳда ўтиши учун барча чоратадбирлар қўрилмоқда.

Уза муҳбири Бехзод НОРБОВЕВ сўхбатлашди



2008 — Ёшлар йили

Истиклол йилларида мамлакатимизда йирик sanoat korxonalari, madaniyat va san'at saroylari, akademik liceylar va kasb-xunar kollejlari, zamonaviy maktablar, turar-joylar, keng va ravon yullar, maydonlar, bogu xiybonlar barpo etildi.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг ташаббуси билан бу ерда амалга оширилган кенг кўламли курилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари натижасида қисқа фурсатда шаҳарча бутунлай янги қиёфа касб этди.

“Ёшлик”нинг янги қиёфаси

“Ёшлик” талабалар шаҳарчасининг бугунги гўзал қиёфаси, бу ерда бажарилган курилиш-таъмирлаш ишлари юртимизда ёшларга, уларнинг пухта таълим-тарбия олиши, зamonaviy шароитда яшashi, хордик чиқариши йўлида кўрсатилётган эътибор ва ғамхўрликнинг яққол намунаси, — дейди “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳокими Рўзимурот Чориев.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 11 февралдаги қарорига биноан “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси мустақил маъмурий ҳудуд сифатида ташкил этилди.

Ушбу ҳудудда қирқ икки мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шаҳарчамизда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, Тошкент Тиббиёт академияси сингари нуфузли олий ўқув юртилари, лицей ва коллежлар — жами 24 таълим муассасаси жойлашган.

Уларда қарийб 45 миң талаба-ўқувчи таълим олмақда. Шаҳарча ҳудудидagi 38 талабалар турар-joyида 10 миңдан зиёд йигит-қиз истиқомат қилади.

Бошқача айтганда, шаҳарчамиз нафақат Тошкент шаҳри, айна чоғда мамлакатимиз микросида талабаларнинг зamonaviy таълим-тарбия олиб, келгусида Ватанимиз тарқиқети, халқимиз фаровонлиги йўлида муносиб хизмат қиладиган салоҳиятли мутахассислар бўлиб етиштириши мубофиқлаштириб турувчи ўзинга хос марказдир.

Бу ердаги кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, поликлиника, умумий овқатланиш муассасалари талаба-ёшларга хизмат кўрсатиб келаётир.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан талабалар турар-joyлари бугунги кун нуқтани назари, талаба-ёшларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда капитал таъмирланиб, уларда зamonaviy шарт-шароитлар яратилди.

Талабалар турар-joyларидаги қулайликлар зamonaviy меҳмонхоналарникидан кам эмас. Бошқача айтганда, кўпчилик тасаввуридagi, деразаю ойналари синиб, эски деворлари пугурдан кетган, зах анкиб ётган бефайз «ётоқхоналар» ва бугунги талабалар турар-joyлари ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Бу ерда фарзандларимиз учун яратилган зamonaviy шароит ва қулайликларни кўриб, ҳақ кувондим, — дейди Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманида яшовчи Зулфияхон Йўлдошева. — Биз талабалика

дaвpимизда бир хонада 6 киши яшардик. Майишй эҳтиёжларни таъминлаш, кир ювиш, даэмол қилиш, овқат тайёрлашда қийналардик. Мустақиллик юртимизнинг бахтли фарзандлари учун талабаланик ҳақиқатан ҳам олтин даврга айлангирди.

Ушбу амал шундай зamonaviy турар-joyида яшаш, таълим олаётганидан хурсандим.

Биз, ёшлар учун яратилётган бундай қулай имкониятлар, кўрсатилётган доимий ғамхўрлик ва эътиборга жавобан пухта билим эгаллашимиз, жамоат ишларида янада фаол иштирок этишимиз, эл-юртимизнинг қорига ярайдиган қомил фарзандлар бўлиб етишимиз лозим, — дейди Тошкент давлат техника университети талабаси Уктам Йўлдошев.

Ҳа, шаҳарчада ёшларимизнинг порлок келажagini йўлаб амалга оширилатган бу эзгу ишлар талабалар билан бир қаторда ота-оналарнинг ҳам қувончига қувонч қўшмоқда. Буни уларнинг самийий дил сўзлари, бу ерда амалга оширилётган ишларга бўлган қизиқишлари тобора ортиб



Зamonaviy савдо мажмуаси, 120 ўринли ошхона барпо этилмоқда. Мажмуада маиший хизматнинг барча турлари йўлга қўйилди.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллиги муносабати билан бошланган қизгин тайёргарлик — курилиш-таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Бундай юмушларни амалга оширишда талабаларнинг ҳам муносиб хиссаси бор.


Ҳозир бу ҳудудда Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университетининг қарийб тўрт юз нафар талабасини қамраб олган “Бунёдкор” ёшлар меҳнат жамоалари иш олиб бораётир.

Улар шаҳарча ҳудудида жойлашган ўқув муассасаларининг биналарини таъмирлашда, йўллар, қўчалар ва хийбонларга экилган гуллар, дарахларни парвартириш, ободонлаштириш ва тозалик ишларида қатнашмоқда.

Шунингдек, бунёдкор ёшлар шаҳарчада барпо этилатган янги теннис корти ва футбол майдони курилишида ҳам мутахассисларга яқиндан кўмак бераётир.

ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН МУНАВВАР МАСКАН

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА “Ёшлик” ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЭНГ ОБОД ВА ГЎЗАЛ ҲУДУДЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНДИ



бoрaётганидан ҳам билиш мумкин. Хусусан, жорий йилда Сурхондарё вилоятининг Кумкўрган тумани, Наманган шаҳри фаоллари ҳам шаҳарчага таъриф буюриб, фарзандларимизга яратилган шароитлар билан танишишди, бундай шароит ва имкониятларнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш зарурлигини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, талабалар турар-joyларидан оқилона фойдаланиш, уни кўз қорачиқдек асраш лозим. Шаҳарча ҳокими Р.Чориевнинг айтишича, бу борада талабалар онгиди “Турар-joyимиз — ўз уйимиз” госянини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Натижада ёшларда устоз-мураббийлар, мутасаддиларнинг назоратида, кўрсатмаларисиз ҳам ўзлари яшайдиган жойни, асбоб-анжому буюмларини асраб-авайлаш, теварак атрофини тоза-озода тутиш қўлималари шакланмоқда.

“Энг намунали талабалар турар-joyи”, “Энг обод ҳудуд”, “Намунали маънавият ва маърифат хонаси” сингари кўплаб йўналишлар бўйича тақдирот маросимларини ўтказиш айнан ёшларнинг ташаббуси билан аниёнага айланди.

Шаҳарчани ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш бу ерда амалга оширилган курилиш-таъмирлаш ишларига монанд олиб борилмоқда.

Утган давр мобайнида 26 гектар майдонга пойтахт иклимига мос майсалар ётқизилиб, 35 миң тупдан ортиқроқ игна баргли, 10 миң туп маданий даракт нихоллари, 500 миңдан зиёд гул кўчати экилди.

Ёшлар йилида ҳар бир талаба ўзи таълим олаётган, истиқомат қилётган ҳудудда биттадан даракт ва гул кўчати экиб, уни мунтазам парвартириш қилиши йўлга қўйилди.

МАЪНАВИЯТИ ЮКСАК ЁШЛАР — ЭЛ-ЮРТ ТАЯНЧИ

Президентимиз Ислам Каримов “Ёшлик” талабалар шаҳарчасида амалга оширилётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш чоғида таъкидлаганидек, бу ерда амалга оширилётган маданий-маърифий тадбирлар, аввало, талабаларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга, ёш авлоднинг барқамол инсонлар бўлиб етишишига, навқирон йигит-қизларнинг спортга бўлган қизиқишини янада рағбатлантиришга йўналтирилиши зарур.

Мазкур йўналишдаги вазифаларни самарали ҳал этиш мақсадида шаҳарчада амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари доирасида халққаро талабаларга мос бир қанча спорт мажмуалари курилди, мажмуалари реконструкция қилиниб, зamonaviy спорт анжумалари билан жиҳозланди.

“Универсиада — 2007” мусобақаларига тайёргарлик кўриш жараёнида Ўзбекистон Миллий университети ҳудудида 50 метрлик усти ёпиқ сув спорти саройи, Тошкент давлат техника университетиде 25 метрлик сув ҳавзаси ва зamonaviy спорт мажмуи, Тошкент тиббиёт академиясида 4000 томошбинга мўлжалланган стадион барпо этилди.

Мазкур олий ўқув юртилари ҳудудидаги ўнлаб футбол, баскетбол, қўл тўпи майдонлари ва бошқа спорт иншоотлари қайта таъмирланиб, зamonaviy талабалари асосида тўла жиҳозланди.

Барпо этилган сув спорти иншоотлари ҳар қандай нуфузли мусобақага мезбонлик қилиш билан бирга талабаларнинг сув спорти турлари билан мунтазам шуғулланиши учун кенг имконият яратди.

Сув ҳавзалари ҳар доим талабалар билан гавжум. Бу ерда таъриблик мураббий ва мутахассислар нузишининг брасо, чалқанча, комплекс ва эркин турлари бўйича тўғарак машғулотларини ўтказмоқда.

Баскетбол, волейбол, мини-футбол майдонларига эга янги спорт мажмуаларида эса спортнинг ўн бешга яқин тури бўйича машғулотлар олиб борилмоқда.

Навқирон авлод ўртасида спортни кенг оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, талаба ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига фаол жалб қилиш, уларда спорт орқали ирода, мардлик ва матонатни шакллантириш мақсадида шаҳарчадаги таълим муассасалари ва маҳаллаларда шанба “Спорт кун” деб белгиланган. Бу борада спортнинг бир

қанча турлари бўйича ўтказиб келинаётган мусобақалар муҳим аҳамият касб этаётир.

Маънавий-маърифий тарғибот ишларини ташкил этишда Президентимизнинг 2006 йил 25 августда қабул қилинган “Миллий ғоя тарихида ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, миллий аниёна ва қадриятларимизга ёт зарарли ғоялар таъсирини асраш, наркотик моддаларни истеъмол қилиш, сақлаш ва тарқатиш, терроризм ва диний экстремизм ҳамда уларнинг оғир оқибатлари тўғрисида кенгроқ тушунтириш бериш мақсадида ҳужуми муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, исломшўнос олимлар билан ҳамкорликда талабалар турар-joyлари ва таълим муассасаларида мунтазам учрашувлар, эркин мулоқотлар ўтказилиши ўз самараларини бермоқда.

Талабаларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларга мамлакатимизда қабул қилинаётган қонуларнинг аҳамияти тўғрисида кенгроқ маълумот бериш мақсадида сиёсий партиялар вакиллари иштирокида ёшларнинг жамаитини демократлаштиришдаги ролини мустаҳкамлаш, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштиришда ёшларнинг иштирокига бағишланган давра суҳбатлари ташкил этилди.

Мазкур тадбирлар қатнашчилари Олий Мажлис Сенатига таъриф буюриб, унинг фаолияти билан яқиндан танишди. Бундан ташқари, ёшларимизнинг давлатимиз Конституциясига оид билимини чуқурлаштириш, ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш мақсадида барча олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида “Биз ўз ҳуқуқларимизни биламиз!” мавзусида қўриқ-танловлар ўтказиб келинмоқда.

Ёшларни Ватанга муҳаббат, фидойилик руҳида тарбиялаш ва барқамол инсон бўлиб етиштириш, уларга миллий санъатимизнинг энг яхши намуналарини, мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган тул ислохотларнинг асл мотиҳияти ва самарали натижаларини ижодкорлар билан жонли мулоқотлар орқали етказиш мақсадида Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда “Ўзбекистон — Ватаним меним” мавзусида иккунчи учрашувлар ўтказиш аниёнага айланди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармониде белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва тиббий қўнимлар ҳосил қилиш юзасидан аёллар шифокорлари билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

“Кизлар турмуш оstonасида”, “Кизларнинг оиладаги ўрни”, “Қариндош-уруғчилик ва никоҳ”, “Соғлом турмуш тарзи ривожига аёлнинг роли” каби мавзулардаги тадбирлар шулар жумласидандир.

Шаҳарчада Мустақиллик, Наврўз каби умумхалқ байрамларининг юқори савидада ўтказилишига, ўқитувчи ва мураббийлар кўни, Конституциямиз қабул қилинган кун, Ватан ҳимоячилари кўни, Халққаро хотин-қизлар кўни, Хотира ва қадрлаш кўни сингари мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим саналарни муносиб нишонлаш ва унда талабаларнинг фаол иштирок этишига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Зеро, бундай тадбирлар ёшларимизни халқимизнинг асрий аниёна ва қадриятларига ҳурмат-эҳтиром руҳида, қомил инсонлар бўлиб вояга етишишда катта ўрин тутди.

Мамлакатимизда амалга оширилётган кенг кўламли ислохотлар, аввало, инсонни қадрлаш ва унинг манфаатларини таъминлашга қаратилган. Бу эзгу амаллар “Ёшлик” талабалар шаҳарчасида рўй берган ўзгаришлар мисолида ўзининг яққол ифодасини топомқда.

Шаҳарчанинг илгма чанқок, билимдон ва бахтли, қалбида Ватанга муҳаббат, миллий истиклол ғояларига садоқат тўйғулари жўш урган ёшлари бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан оозод юртимизнинг янада обод бўлишига, эркин ва фаровон жамаитимизнинг янада таракатий этишига муносиб хисса қўшади инсонлар бўлиб қамол топишига шубҳа йўқ.

Олим ТўРАКУЛОВ, Ўза шарҳловчиси

СИРЛИ ОЛАМ Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

Даниялик олимлар нусха кўчирувчи ва кўп нусхада босувчи машиналарни текширувдан ўтказишди. Уларнинг фикрича, қурилма бир йил ишлагандан сўнг ўзидан озон гази ажратиб чиқара бошларкан. Бу эса ўз навбатида одамларга, айниқса операцияга ёмон таъсир қилиб, димоғини қичитади, бош оғригини келтириб чиқаради; кўнгил айнитади, ўпка касаллиқларига мойилликни кучайтиради экан.

Шунинг учун шифокорлар бу қурилмаларни йўлақларга, катта хоналарга ўрнатишни ва хонани тез-тез шамоллатиш турини тавсия қилмоқдалар.

Океан сувларида олтин борлиги бундан 120 йил илгари аниқланган эди. Дастлабки текширишларга асосланиб, олимлар океан ва денгиз сувларида 8 миллиард тонна қимматбаҳо маблаг бор деб тахмин қилишган эди. Асримизнинг йигирманчи йилларида Германия ана шундай сувлардан олтинни ажратиб олиш ишлари билан шуғулланганлиги маълум. Аммо сувлардан эриган олтинни ажратиб олиш уни қонлардан олишдан бир неча баробар қимматга тушишини кўрсатган эди.

Шунинг учун бундай уринишлар тўхтаб қолди. Кимёгарлар саккиз йил мобайнида катта меҳнат эвазига текширишлар ўтказиб, илгариги ҳисоблар нотўғри эканлигини амалда исботлашди. Дастлабки таҳлилларда олтин микдори саккиз баравар юқори қилиб кўрсатилганлиги аниқланди. Америкалик геолог олимлар яқинда ўтказган аниқ таҳрибаларида, олтиннинг сувлардаги микдори илгариги ҳисоблардагидан юзлаб баробар қамлигини исботлаб бердилар. Қузатувлар Атлантика океани ва Тинч океанининг шимолий қисмида юз миллион тонна сув микдориде бир грамм, Ўрта Ер денгизиде сал кўпроқ бўлиб, 33 миллион тонна сувда бир грамм қимматбаҳо металл мавжудлигини кўрсатди.

Янги ҳисоблар дунё океан ва денгизлари сувиде ҳаммаси бўлиб 15 миң тоннага яқин олтин борлигини тасдиқлади.

1908 йил 30 июнь кунини тонгда Шимолий Сибирда ҳали инсоният гувоҳ бўлмаган қучли портлаш юз берган эди. Орадан бир аср ўтди ҳамки, дунё олимлари бу воқеага таъриф беришолмапти. Хиросимага ташланган атом бомбасидан бир неча бор қучли бўлган бу портлаш 40 километр диаметрадаги ўрмонни ёндириб, қўлга айлангирган. Портлашдан сўнг беш километрдан зиёд баландликка олов пурқалган. Воқеага гувоҳ бўлганларнинг айтишича, ўша вақтда қоронғу осмон бир неча сонияга ёришиб турган. Тунгус воқеаси ханузгача олимлар учун жумбоқ бўлиб келмоқда.

Айримлар бу портлашни метеорит қулаши деса, айримлар ўзга сайёраликлар иши дейишади.

Инглиз олими П.Сениор “Дельта биотехнология” компаниясида одамнинг сунъий гемоглобинини синтез қилиб олишга эришди. Пиво ачиткичи штамми геномига кислородни тўқималарга етказиб берувчи қоннинг муҳим компонентини киритдилар. Натижада штамм тўқималари ўзга оқсиллар қаторида гемоглобинни ҳам ишлаб чиқара бошлади.

Сўнгга бу гемоглобин одам организмидан ажратиб олинди. Тақлиб қилинган усул киши турли ҳалокатларга ёки касалликка дучор бўлиб қони қамайиб кетганда қўлланлиши катта самара беради, деган фикрлар билдирилди.

Ҳиндистоннинг Гоа қурутот масканларида 88 ёшли собик немис фашистлари генерали қўлга олинди. Иккинчи жаҳон уруши даврида Гитлернинг яқин одамларидан саналган генерал Иоганн Бах 12 миң нафардан зиёд яҳудий миллатига мансуб одамларнинг қириб ташланишига бошчилик қилган. Бах уруш тугаганидан сўнг, Аргентинада маълум муддат паноҳ топиб, Болгария, Канада ва яна бир неча давлатларда яшириниб келган. Утган асрининг энг муқдмш жиноятларида бошчилик қилган Иоганн Бах расмий Берлин талабига кўра Хиндистондан Германияга экстрадиция қилинган. The Telegraph газетаси маълумотига кўра, собиқ «SS»-чининг қўлга тушишига у томондан газетига берилган эълон сабабчи бўлган. Бах эълонда XVIII асрга тегишли иккинчи жаҳон уруши даврида Берлин музейидан йўқолган фортепиано ки сотиш истagini билдирган экан.

Сибирнинг Енисей дарёси юқори қисмидаги ўтказилиб келинаётган археологик қазиш қутилмаган натижаларга олиб келмоқда. Майна посёлкаси атрофларида топилган лойдан ясалган ҳайкалчалар ва бошқа қатор буюмлар давлат Эрмитажидан жой олган. Топилган буюмлар қадимийлик ва Ўрта Осиё ҳудудида топилган буюмларга ўхшашиги билан қизиқиш тугдиради. Бу сибирликларнинг Яқин Шарқдан борган қишларини ёки европаликларни, деган саволга жавоб беришни янада қийинлаштиради. Масалан, 1990 йили топилган «тош ўғир» бундан ўн бир миң йил олдин ясалган бўлиб, галла майда-лашда фойдаланилган.

АҚШ парламентининг юқори палатаси махсус хизматга фуқароларнинг телефон сўзлашувларини яширин тинглаш ҳуқуқини берувчи қонунини маъқуллади. Мазкур қонун, шунингдек, америкаликларнинг электрон почталарини пинҳона назорат қилиш имконини ҳам беради. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг терроризмга қарши курашиш мақсадида дунёга келган бу қонун лойиҳаси ташаббусчиси президент Жорж Бушдир. Қонуннинг юқори палата томонидан маъқулланиши Жорж Бушнинг «ғалабаси» сифатида қаралмоқда. Чунки деярли барча америкаликлар ўзаро суҳбатда ортиқча «қулқон»нинг аралашшига қарши. Қолаверса, кўлаб маҳаллий инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари бу қонун лойиҳасини демократияга зид ҳужжат деб атаган.

Жарроҳлик соҳасидаги мюнхенлик мутахассислар нарқоз остида операция қилинаётган бемор шифокорларнинг ўзаро суҳбатларини эшитиб туради, деган қутилмаган хулосага келишди. Бу демак, улар гап нималар ҳақида борганини эслаб қолишлари мумкин. Шунинг учун эндиликда амалиёт билан шуғулланувчи барча жарроҳларга операция жараёнида қатъиян сукут сақлаш ҳақида фармоиш берилди. Бу ортиқча гап-сўзларни бемор эшитиб қолмаслигининг олдини олади.

Венесуэла пойтахти Каракасда икита ёш шер махсус ўқув курсини ўтади ва улар полициячиларга ёрдам беришни бошлади. Янги «мутахассис»ларнинг вазифаси гиванд моддаларни қидиришдир. Шерларда ҳид билан хусусияти итларникига қараганда ўн марта қучли экан. Ҳозир кўпчиликнинг эътибори одатдан ташқари «тартиб посбонлари»ни жиноятчилар қандай қарши олишларига қаратилган.

ҲАР БИР ФАРЗАНДА — МЕҲР-ЭЪТИБОР

“Ёшлар йили” давлат дастури доирасида тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ёш авлод ўртасида маънавий, маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган махсус лойиҳа асосида семинар-тренинг машғулотлари ташкил этилди.

Пойтахтимизнинг барча туманларидаги умумтаълим мактабларида ўтказилган ушбу тадбирда вояга етмаганлар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, педагоглар, ҳуқуқшунослар, ижтимоий ҳимоя соҳаси мутахассислари тақлиф этилди.

Собир Раҳимов туманидаги бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, қамолоти ва истиқболлиги, пухта билим ва тарбия олиши, ўз иқтидори, қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-хунар эгаллашида яқиндан қўмақлаш шис масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, «Таълим тўғрисида»ги қонулар, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

“Ёшлар йили” Давлат дастури доирасида бу борадаги эзгу ишлар ҳажми янада кенгаймоқда. Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маънавий-маърифий соҳаларда кенг кўламадаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ёшларни зарарли таъсирлардан ишончли ҳимоялаш, улар ўртасида тарбиявий, маънавий-маърифий ишларни янада таъсирчан ва самарали тарзда йўлга қўйиш, йигит-қизларда юрт тақдирини унинг дахлдорлик, фидойилик фазилатларини шакллантириш, улар қалби ва онгиде Ватанга муҳаббат,

миллий истиклол ғояларига садоқат тўйғуларини янада мустаҳкамлаш доимий эътибор талаб қиладиган вазифалардан дид.

Малакали ҳуқуқшунослар, шифокорлар, психологлар иштирокида “Ҳар бир фарзанда — меҳр-эътибор!” шiori остида ташкил этилаётган ўқув-семинарлари, давра суҳбатлари, анжуманлар ёш авлод маънавиятини янада юксалтириш, ҳуқуқий, тиббий маданиятини тобора оширишга хизмат қилмоқда.

Мунтазам равишда ўтказилётган меҳнат ярмаркалари олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим масканлари битирувчиларини, меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ўз қизиқиши бўйича иш билан таъминлаш имконини бермоқда. Шу билан бирга, ёш оилаларни кўллаб-қувватлаш, мустақил



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ ОГАХИЙ ХИКМАТЛАР

Комронлар лутфидин кўз тутма, комингким олар, Элни ноком айламак бирла етарлар комига.

Очма дунё ахли хони базлига дасти тамаъ, Гар десанг банд ўлмойин ўлгунча миннат домига.

Ногуворо лукма ёнглиг келди рад мустализми, Фарра бўлма нокаси навкисалар инъомига.

Умрдур камфурсат, усру истама ондин бако — Ким, шарардек муттасил оғозидур анжомига.

Бако йўқтур ҳаёт айёмига.

Ишқ ичра гар содиқ эсанг, шод ўл гаму меҳнат била, Бошинга келса юз бало, чин солмоғил қош устина.

Иқболу иззат аҳлининг киргай қаторига қачон, Киймоқ била дебоу хаз арзолу авбош устина.

Бўлма гунаҳ дашти аро навмидлик лабташнаси — Ким, афву ёфи сув мавжи етар рош устина.

Эй шах, карам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини — Ким, меҳр нури тенг тушар вайрон овод устина.

Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг куруб бод устина.

Фигонким, ушбу гулшан ичра осиб хаводисдин На фориг бир нафасдур гул, на бир дам бехатар гунча.

Очилмайдурур то етмайин вақти сахар гунча.

Вафо йўқ дахр боғининг гулида, берма кўнглинги, Бу кун тонгла кетар, эй боғбон, оҳиста-оҳиста.

Чун бўлур маскан санга охир ер ости, не осиф, Гар етурсанг қасру айвон авжини кайвонғача.

Гулга хуш кўрингуси булбул ҳикояти.

Бир кимса дахр зулмидин эмин эмас магар, Хар кимга етса жоми сабуҳи ҳимояти.

Максуди манзилига қачон йўл топар киши, То етмагунча ҳодийи давлат ҳидояти.

Осудалиг, кўнгул, тиласанг, кўй амалниким, Ул бир йўлеки, йўқтур онинг ҳадду ғояти.

Хайрли ташаббус

БОЛАЛАР МАМНУН БЎЛИШДИ

ХАЛҚИМИЗДА "ВАТАН — ОСТАНАДАН БОШЛАНАДИ", ДЕГАН ПУРҲИҚМАТ НАҚЛ БОР. ЗОТАН, ОСТАНОСИ САРИШТА, ФАРОВОН, ФАРЗАНДЛАРИ БАХТИЁР ЮРТИГА ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАЙ ОЛАДИ.

Айни шу маънода Юнусобод туман халқ таълими бўлимига қарашли 51-ихтисослаштирилган мактабнинг "Бунёдкор авлод" ёшлар гуруҳи томонидан амалга оширилган ишлар самараси алоҳида эътиборга молик. Гап шундаки, туман ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари ташаббуси билан пойтахтимизнинг келгуси йил нишонланадиган 2200 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш мақсадида, кўнглили ўқувчи-ёшлардан иборат юқорида тилга олинган гуруҳлар фаолият бошлади. Бугунча уларнинг сайёҳаракати туфайли қаровисиз қолган ҳудудлар чиқиндилардан тозаланди. Катталар ёрдамида сўлим гўшалар, кўнглили хордиқ чиқариш масканлари бунёд этилди.

Яқинда эса Мирзо Улуғбек маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда

Амир Темури кўчаси, 1-уй олдидаги майдончада болажонлар учун мўлжалланган "Мирзаобод" бунёдкор ёшлар боғи фаолият бошлади. Унинг бунёд этилишида мазкур мактабнинг фаол ўқувчилари, заҳматқаш ўқитувчи-мураббийлар, мутасадди ташкилотлар вакиллари, ўз саховатини эл қоридан дариг тутмайдиган ҳомийлар жонбозлик кўрсатишди.

— Бугунги кунда "Ёшлар йили" Давлат дастурида кўзда тутилган барча талабларга мос равишда иш олиб бормоқдамиз, — дейди 51-ихтисослаштирилган мактаб раҳбари Мохира Турдиева биз билан суҳбатда. — "Мирзаобод" бунёдкор ёшлар боғининг ташкил этилиши ана шу талаблар доирасидаги эзули ишларимизнинг ажралмас бўлагини ташкил этади. Биз педагоглар фарзандлар истиқболига, камолига ҳисса қўшадиган

ана шундай гўзал гўша бунёд этилишида ҳиссамизни қўшганимиздан мамнумимиз.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, туман ҳокимлиги ташаббуси билан "Бунёдкор ёшлар" гуруҳларини моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида бир қатор кўрик-танловлар эълон қилинган эди. Мазкур танловнинг ишчи гуруҳи яқинда "Мирзаобод" бунёдкор ёшлар боғини туман миқдосидаги "Энг яхши майдонча" номинацияси ёлиби деб топди.

Танлов шартига кўра, мазкур мактаб Истиқлолимизнинг 17 йиллик шодифонаси арафасида компьютер билан тақдирланади.

Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТЛАРДА: "Мирзаобод" ёшлар боғи фаолиятдан лавҳалар.



«Тошкент оқшомии» саломатлик хизмати

ҲАЁТ КУРТАКЛАРИ

ни қарийб 90 фоизга енгиллаштиради.

Олимлар озиқа сифатида ундирилган уруғ кўра ёки ундан мутлақо ва катъиян фарқланишини таъкидлашади. Дон униш жараёнида энг юқори фаоллик фазасида бўлиб, шу жараёнда унда шифобахш хусусият бахш этувчи ўзгаришлар юз беради, уруғлардаги мураккаб моддаларни оддийга айлантирувчи ферментлар ҳосил бўлади. Бунинг натижасида фойдали элементлар енгил ҳазм бўлади. Ферментлар эса шу жараёнга самарали ёрдам беради.

Унаётган донда жадал ўсишини таъминлашга хизмат қилувчи ва айни пайтда инсонлар учун ҳам фойдали оксиллар, витаминлар ва бошқа биологик фаол моддалар синтезланади. Унаётган донда биохимий реакциялар шу қадар жадал борадики, натижада бугдой кур-

тақларидаги Е витамини миқдори бир неча мартага ортади. Дуккакли ўсимликлар донлари куртақларида эса, С витамини миқдори қарийб 600 мартага ошиб кетаркан!

Ундирилган донлар таркибидан витаминлар миқдори яшил ўсимликларга нисбатан ўртача 340 марта кўп бўлади, деб ҳисобланади. Унаётган уруғларда минераллар ва бошқа фойдали моддалар энг кўп миқдорда мавжуд бўлиши кўплаб таҳрибаларда исботланган.

Бугдой, арпа, дуккаклиларнинг сараланган яхши уруғларини турли хас-чўплардан тозалаш, майда ва зарарланган донларни ажратиб олиб ташлаймиз. Қолган донни марганцовканинг оч қизил эритмасида яхшилаб ювамиз. Кейин оқар сувда чайиб, шиша банканинг учдан бир қисми миқдорини донни сола-

қуямиз — унинг миқдори банканинг учдан икки қисмидан ошиб кетмаслиги керак. Резинка ёрдамида банканинг оғзини дока билан маҳкамлаб ёпиб, уни хона ҳароратига тенг жойда 8-10 соатга қолдирамиз.

Кейин докани олмай туриб, банкадаги сувни тўқамиз ҳамда донни бир неча марта оқар сувда ювамиз. Шундан сўнг банкани ағдириб, чуқур идишнинг тубига озги таяниб турадиган қилиб, банканинг ўзи эса идишнинг чеккасида унга хаво кириб турадиган ҳолатда қуямиз. Идишга озроқ сув қуйиб қўйилади. Дастлабки куртақлар пайдо бўлиши биланоқ уруғларни яна бир бор ювиб, сувни тўқиб, докани олиб ташлаб, банкани қопқоқ билан маҳкамлаб ёпиб, совутичнинг юқори тоқчасига (зинҳор муз хонасига эмас) қўйиб лозим. Унган донлардан беш кун двомида ҳар кун улар-

ни қайнатиб совутилган сувда ювиб, истеъмол қилиш мумкин.

Ундирилган донларни алоҳида эрталаб наҳорга ейиш ёки совуқ таомлар (салатлар, винегретлар, йогуртлар)га қўшиб истеъмол қилиш мумкин. Мабодо, уни иситишга ҳаракат қилсангиз, бу тирик озиқани ҳаёт аломатлари тарқ этади ва натижада унинг шифобахш хусусияти қарийб йўқотилади. Тирик таомнинг энг кам фойдали дозаси катталар учун 1-2 ош қошиқ, болалар учун эса — ярим чой қошиқдан иборатдир. Аста-секин бу дозани катталар учун 2-3 ош қошиққа, болалар учун эса — 3-4 чой қошиқкача ошириш мақсадга мувофиқ.

Ҳа, бу шифобахш мўъжизакор ундирилган донни ҳар бир хонадонда тайёрлаш мумкин. Уни эрта баҳор ва кузнинг охирида истеъмол қилиш инсон учун жуда фойдали неъмат ҳисобланади. Ошқозон ва шунга ўхшаш аъзоларни даволаш мақсадида уларни исталган вақтда тайёрлаб, истеъмол қилиш мумкин.

Спорт янгилликлари

ХАМЮРТИМИЗ — ГОЛИБ

Яқиндагина тошкент шахрида биринчи ўзбек ГРОССМЕЙСТЕРИ ГЕОРГИЙ АЪЗАМОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ ШАХМАТ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ГОЛИБЛИКНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН ХАЛҚАРО ТОИФАДАГИ СПОРТ УСТАСИ АНТОН ФИЛИППОВГА ЯНА ОМАД КУЛИБ БОҚДИ.

Гап шундаки, Голландиянинг Твенте шаҳрида шахмат бўйича ўтказилган халқаро турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Антон ўтказилган 9 учрашувда етти очко жамғарди ва биринчи ўринни қўлга киритиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтди.

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ — ФИФА ТОМОНИДАН ТЕРМА ЖАМОАЛАРИНИНГ АВГУСТ ОЙИ УЧУН РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Унда Ўзбекистон терма жамоаси 55-ўринда қайд этилган. Бу сафарги рўйхат натижаларига кўра, Рауф Инилеев шоғирдлари МДХ давлатлари орасида Россия, Украина ва Молдова терма жамоаларидан кейин, тўртинчи, Осиёда эса Япония, Австралия, Эрон, Саудия Арабистони ва Жанубий Кореядан кейин олтинчи ўриндан жой эгаллаган.

ЁШ ПОЛВОНЛАРИМИЗ — СОВРИНДОР

ТУРКИЯДА ЭРКИН КУРАШ БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА УЮШТИРИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ИШТИРОК ЭТГАН МАМЛАКАТИМИЗ ТЕРМА ЖАМОАСИГА ИККИТА БРОНЗА МЕДАЛИ НАСИБ ЭТДИ.

Шуниси қизиқки, дунёнинг 46 мамлакатидан келган ёш полвонларга қарши голиблик учун гиламга чиққан ўзбекистонлик беш нафар спортчидан иккитасига бронза медали насиб этди. Ўз вазн тоифаларида ҳамюртларимиздан Ихтиёр Наврўзов ва Умид Усмоновлар учинчи ўринни эгаллашди.

Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси бешинчи ўринга лойиқ деб топилди.

ГУЛНОЗА — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Яманда дзюдо бўйича ўсмир қизлар ўртасида ўтказилган ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЎЗБЕКISTОН ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОСИ ГУЛНОЗА МАТНИЁЗОВАГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Қитъамизнинг кўпгина мамлакатларидан келган умидли ёш полвон қизларга қарши голиб бўлиш ниятида кураш олиб борган Гулноза барча рақибларидан маҳоратли эканлигини исботлаб, ўз вазн тоифасида биринчи ўринни қўлга киритди ва Осиё чемпиони номига сазовор бўлди. Айни кунларда Осиё чемпиони Гулноза Матниёзова октябрь ойида ўтказилган жаҳон чемпионатида жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

СПОРТ ЖИҲОЗЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

ТОШКЕНТДА БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМГАРМАСИ ТОМОНИДАН МАМЛАКАТИМИЗДА ВА ХОРИЖДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН СПОРТ ЖИҲОЗЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда спортни ривожлантириш, уни ҳаёт тарзига айлантириш борасида амалга оширилаётган ишларда Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг муносиб ҳиссаси бор. Ушбу жамғарма кейинги олти йил мобайнида болалар орасида спортнинг оммалашувиди, жаҳоннинг нуфузли ареналарида мустақил юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилувчи спортчиларни тарбиялашда салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан, жамғарма ҳисобидан 2003-2004 йилларда юртимизда 7011 та спорт иншоотлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Эътиборлиси, уларнинг 540 га яқини қишлоқ жойларда бунёд этилди.

Жамғарма эндиликда олдида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган спорт анжомлари ва жиҳозларини ягона ва мустаҳкам тизим асосида тайёрлашни мақсад қилган. Шунингдек, мавжуд спорт иншоотларини жаҳон андозаларига мос равишда жиҳозлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ташкил этилган кўрғазмада хорижда ишлаб чиқарилган спорт ашёлари қаторида, маҳаллий корхоналар томонидан тайёрланган спорт буюмлари ҳам намойиш этилмоқда.

«Туркистон-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли ҳамшаҳарлар!

Тошкент шаҳрининг барча туманларида 2008 йил 1 августдан 1 октябргача ташкил этиладиган Марказий «Мактаб бозорлари» рўйхати

Table with 2 columns: Tuman (District) and Description of the market location and details.

Бундан ташқари Тошкент шаҳридаги деҳқон ва буюм бозорларида тадбиркорлар томонидан мактаб бозорлари шаклида ўқув куруллари, қўлланмалари, кийим-кечаклар, пойабзаллар билан савдо ташкил этилади.

«Меҳрли савдо» шўба корхонаси пул ўтказиш йўли билан Россия, Украина, Қозоғистонда етиштирилган гречиҳа, тарик, перловка, бугдой, арпа, сули ёрмалари, туйилган, майдаланган нўхот, сўк ёрмалари сотиб олади. Мулоқот учун телефонлар: 237-14-59, 237-45-15, факс: 237-14-92.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари, ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Advertisement for MUASSIS: TOHKENT SHAHAR HOQIMLIGI, including address and contact info.

Advertisement for Akmal AKROMOV, including address and contact info.

Advertisement for telephone numbers and newspaper subscription info.

Advertisement for 'Gazeta Toshkent Shahar' newspaper subscription.

Advertisement for 'Shark' newspaper subscription.